

БИР КҮНИ ШАҲРИМИЗНИНГ

• КПСС XXIV сьезди шарафига
КВАРТАЛ ПЛАНИ—МУДДАТИДАН ИЛГАРИ
Мусобақа қизияпти

«Главташкентстрой»га қарашли 159-трестнинг азамат бунёдкорлари КПСС XXIV сьезди шарафига мусобақани қизитиб, объектларда иш суръатини тобора оширмоқдалар.

Трест буюмкорлари 1971 йилда ўтган йили фойдаланишга топширилган объектлардан қарийб ўттиз минг квадрат метр уй-жой майдонини фойдаланишга топширишга бел боғлаганлар.

Ц-14, П-1А, трактор заводи, Шимол-шарқ массивларидаги объектларда иш суръати авж олдириб юборилди. Қурувчилар янча мақсад — партия сьезидга муносиб армуғонлар тайёрлаш иш-тибидилар.

22-қурилиш бошқармасининг коллектив биринчи квартал планига қўшимча иккита уй-жой майдонини фойдаланишга топширишга аҳд қилдилар.

Бунёдкорлар иш суръатини ошириш билан бир қаторда қурилиш материалларидан ҳам теянаб-тергаб фойдаланишга асосий эътиборни қаратмоқдалар.

Ўтган беш йилликлар ичида меҳнатда аjoyиб натижаларни қўлга киритган пешақам трест коллективи 1971 йилда ҳам ютуқларини мустахкамдаш ва жонажон партиянинг XXIV сьездининг ёруғ юз билан қўшиб олиш учун курашиб, бутун ички резервларини ишга солмоқда.

Техника тараққиёти йили

1971 йил рўзгор холодиликлар заводи учун техника тараққиёти йили бўлади. Ҳозир цехларда иккита янги механизацияланган поток линия урнатилмоқда. Корхона бўйича бажариладиган ишларнинг олтинчи процентини механизациялаштиришга қарор қилинди.

«Оазис-3» маркази янги холодиликлар учун мосламалар тайёрлаш суръати яқинлаштириб юборилди. Бу таъминлаштирилган буюмларнинг дастлабки нархиси шу йилнинг тўртинчи кварталда йиғилди. Бу йил заводнинг реконструкция қилиш мўлжалланмоқда. Шундан кейин корхона йилга юз минг тага етказиб холодилик ишлаб чиқара олади. Бунга мавқуд ишлаб чиқариш майдони ҳамда ишчи кучи билан эришилши характерлидир.

Юбилей йилида эллик етти минг икки юз «Оазис-2» холодиликлар ишлаб чиқарган ҳамда планга қўшимча 150 минг сулик буюм етказиб берган завод коллективи шу кунларда сьезд шарафига мусобақани қизитмоқда. Уларнинг партиянинг XXIV сьезди шарафига қабул қилган оширилган социалистик мажбуриятда «БИРИНЧИ КВАРТАЛ ПЛАНИНИ 25 МАРТГА БАЖАРИШ БИЛАН ТОПШИРИККА ҚўШИМЧА ИККИ ЮЗТА ХОЛОДИЛНИК ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ. МАХСУЛОТ СИФАТИ ҲАМДА МЕХНАТ УНУМДОРЛИГИНИ БИРМУНЧА ОШИРИШГА ЭРИШИЛАДИ» деб қайд қилинган.



Шаҳримизнинг «Марказ-1» кварталдаги биринчи сон китоб магазини доимо харidorлар билан бағам бўлади.
СУРАТДА: магазиннинг бадий ва ижтимоий адабиёт бўлимида савдо пайти.
М. Нуриддинов фотолари.

Биринчи ўзбек инженерери

«Ўзбекистоннинг бошланғич фан эгаларининг сафи биринчи бш муҳандис (инженер) Саид Оқилхон Саидхўжаев билан безалабир.

...Уртоқ Оқилхон бу ёз Тошкентда Бўзсувда солинатган электр станциясида тажрибачи бўлиб ишлади.

Ҳозирда Тошкентда солиниб турган электр станцияси ҳақида бир диплом ҳозирлаб, профессорлар таҳлиладан ўтказилган кейин инженерлик дипломини олади.

Ўзбекистон илмий-технон учун биринчи ўзбек инженери муборак бўлсин».

(«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН», 1925 йил, 18 февраль).

Дарҳақиқат, ўзбек халқи орасидан биринчи инженернинг етишиб чиқиши муҳим воқеага айланган эди. Ушандан бери қирк олти йил вақт ўтди.

Тошкентда очилган политехника, алоқа-электротехника, темир йўл транспорти инженерлари, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари, ҳуқуқшунос ва инженерлик институтларида тахсил кўрган ўзбек йигитлари бу шарафни касбда фаол меҳнат қилмоқдалар.

Электр техникиси соҳасида етишиб чиққан етук муҳандислардан бири таниқли олим Музаффар Ҳамидоноидир. Бугунги кунда техника фанлари доктори, академик меҳнат фаолияти ҳам электр-инженерликдан бошланди.

Ўзбек халқи бундай аjoyиб кишилари билан ҳақли равишда фахрланиди.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Ленин райони

ТУРЛИ ҚИТЪАЛАРДА

«Подъёмник» заводининг коллектив туркия мамлакатини Н Г БУЮРТМАСИНИ АДО ЭТДИ.

У ерга ўн тонна юк кўтарадиган кранларнинг бир партияси жўнатилди. Шу билан

ЖАҲОН НАМУНАЛАРИГА ТЕНГЛАШАДИ

Шампан-вино заводининг биринчи этап реконструкцияси тўғрисида Давлат комиссия томонидан қабул қилинган янги цех-тайёр маҳсулот чиқара бошлади.


бу ерда «Антон одерт» номли Франция фирмаси томонидан тайёрланган юксак унумли линия ишга туширилди. Бу қурилма 1971 йилда қурувчи «Роҳат» ичимлиги ишлаб чиқариш-ни икки мартаба, «Советское шампанское» ишлаб чиқаришнинг эса ўн икки—ўн беш процентта қўпайтириш имконини беради. Завод маҳсулоти Итти-

Чилонзор райони

ШАҲРИМИЗ ИСТИҚБОЛИ

«Ташкирпрогор» лойиҳа институт коллектив Чилонзор районининг бўлажак марказ лойиҳасини тайёрлади.

СУРАТДА: бўлажак Чилонзор марказининг лойиҳаси макети.



формизининг турли чеккаларида ҳам шўҳрат қозонган.

Корхонада тайёрланган «Тобланувчи мускат» ичимлиги Москвадаги кўргазмада мамлакатимиздаги энг аъло вино, деб тан олинди ва ВДНХнинг кумуш медали билан тақдирланди. Бу ичимлик Ялтада бўлиб ўтган халқаро конкурсада намоийн этилиб, Италия винолари билан ёшма-ён қўйилди ва иккинчи кумуш мукофоти олди.

Янгиланин ишлаб чиқаришга жорий қилиниши билан виводан шампанское тайёрлаб тақомиллаш поток асосига ўтказилди, завод аса жаҳон намуналарига тенглашадиган маҳсулот чиқарадиган бўлди.

ЯНГИ МАРШРУТ

қизилиб бўлиди. Рельсин «Средатранспострой» қурувчилари ёт-издилар.

Янги трамвай маршрути 8,5 километр бўлиб, Лисунов кўчаси орқали

Куйбисhev райони

КЕНГ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ

«Тошкентабель» заводи коллективи ишлаб чиқариш чиндиқларидан кенг истеъмол буюмлари тайёрлаш планини ўтган йили 127 процентга етказиб адо этди. Бу эса 1969 йилга қараганда 30 процент ортидир.

Ўтган йили беш хил

Фрунзе райони

ТАЛАБ КАТТА

«Ташкестильмаш» заводининг маҳсулотларига жаҳон бозорида талаб йилдан йилга ортиб бормоқда. Ўтган йилнинг ўзида биргина Покистон учун машинасозлар олтишита йигирига бошланди. Завод маҳсулоти бу давлатта биринчи бор юборилди.

корхонада Уганда давлати учун юборилган рослаш машиналар йиғила бошланди. Завод маҳсулоти бу давлатта биринчи бор юборилди.

ҚИЗИҚАРЛИ ЎТДИ

Тўқимачилик ва енгил саноат институтида «Меҳнат муҳофазаси масалалари» деган мавзуда илмий-техника конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда студентлар турли темаларда доклад қилдилар. Студентлар илмий жамиятининг «Меҳнат муҳофазаси» секцияси ташкил қилган тўрт кенгашда жамий 26 доклад тингланди.

И. Завуловнинг «Тўқу корхоналарини етарли даражада еритиш масалалари», Р. Аҳмедовнинг «Электр резрларининг киши организмига таъсири» мавзуларидаги докладлари, айникса жуда қизиқарли бўлди.

САНЪАТ БАЙРАМИ

Тошкент шаҳар партия комитети КПССнинг XXIV сьезидга бағишлаб турли корхона ва муассасаларда санъат қуиларини ўтказишга қарор қилди.

Тошкент шаҳар партия комитети КПССнинг XXIV сьезидга бағишлаб турли корхона ва муассасаларда санъат қуиларини ўтказишга қарор қилди.

Пиллакашлик фабрикасининг коллективини Ҳамза номли Ленин ордени ўзбек Давлат академик драма театрининг талантларини кўтиб олдилар. Санъаткорлар сахна асарларидан парчалар кўрсатишди.

Чалов номли аниция заводининг ишчилари ижодкорлардан кўп хурсанд бўлишди. Горький номли рус Давлат академик драма театри артистлари авиасозларга ўз маҳоратларини намоийн қилдилар.

Муқимий номли музикали драма театри чинни буюмлари заводида бўлди.

Санъат байрамига ўзбек Давлат филармонияси артистлари фойз киратдилар. Қўшиқлар, рақосалар, созадлар бригадалари Э-нон заводда, «Юлдуз» фирмаси, ҳўжалик буюм консерва заводларида жозибали концертлар бердилар.

Шаҳардаги маданият уйлариининг хаваскорлари ҳам санъат байрамиде актив қатнашдилар.

Киров райони

ЯНА БИР КЎРКАМ БИНО

«Марказ-6»нинг пойтахтда энг кўркам кварталлар қаторига қўшилишида «Главташкентстрой»га қарашли 153-трестнинг 1-қурилиш бошқармаси ҳамда «Пардозлар» масн сайқалчиларининг катта ҳиссаси бор.

56 квартирالي уй пардозчилар қўлидан чиқди.

Бино қурилишида Н. Қозинский бошлиқ бўёқчилар, К. Мажилов бошлиқ дурадгорлар, Г. Афанасев бошлиқ сайқалчилар, Я. Пиронов бошлиқ сувоғчилар бригадалари ишга олар билан меҳнат қилдилар.

ТЕАТР ХОДИМЛАРИ

КЕНГАШИ

«Баҳор» концерт залиде драма театрлари ходимларининг икки кун давом этган республикаларо кенгаши ўз ишнин тугатди.

СССР маданият, министрлиги ташаббуси билан ўтказилган бу кенгаш КПССнинг XXIV сьезидга бағишланди. Унда Ўзбекистон ССР маданият министри А. М. Қўчқоров Ўзбекистондаги драма театрларининг ўтган йилги фаолияти ва бу йилги ижодий режала-ри ҳақида доклад қилди.

Кенгашда Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистондаги театрларнинг вакиллари сўзга чиқиб, ижодкорлар олаб бораётган ишлар ҳақида гапирдилар.

Кенгаш қатнашчилари Навоий номли ўзбек Давлат катта академик театри, Ҳамза номли Ленин ордени ўзбек Давлат театри, Горький номли рус драма академик театрида бир неча янги сахна асарларини томоша қилдилар.

Ҳамза райони

БЎЛАЖАК РАССОМЛАР УЧУН

ТОШКЕНТДАГИ ҚОҒОЗ КОМБИНАТИДА БИРИНЧИ БОР РАСМ СОЛАДИГАН

таёрлайдиган цехи расм дафтарлари ишлаб чиқара бошлайди.

Ўзбекистон пойтахтининг ўқувчилари йилга юз минг дона ана шундай дафтарларини олишлари мумкин.

Собир Раҳимов райони

БАДИЙ КЎРГАЗМА

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг бош ўқув биносида республика рассомлари ва дайналтарошлари асарларининг бадий кўргазмаси ишлаб турибди. Кўргазмада СССР халқ рассоми Эрол Тансиқбоев, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби П. Чорнев ва бошқа санъаткорлар а р и н и г асарлари намоийн қилинмоқда. Уларда дёрминиз жамоли унинг эконоимисан ва маданияти акс эттирилган.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг выставка ва панорамалар дирекцияси уюштирган бу кўргазма мин студентлар зўр Р. Чорнев ва бошқа санъаткорлар а р и н и г асарлари намоийн қилинмоқда.



СССР. Остравадаги Клемент Готвальд номли Витковец металлургия заводининг цехларида совет металлургия саноати учун аср буюртмаси деб аталмиш йirik стан тайёрланмоқда. Бу Чехословакия инженерлари томонидан ишлаб чиқилган «Кварто 3600» проект стандартир. У «Азовсталь» заводда урнатилмади.
СУРАТДА: гингнт станин йиғилиш пайти.
ЧТК—ТАСС фотоси.

